*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 17 февраль, пайшанба

07 (379)-сон

E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

БУ ЖАРАЁНДА ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАСИГА ОЛГАН ВА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН O`ZLIDEP ФАОЛЛАРИДАН АЛОҲИДА **ТАШАББУСКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.** » 03



«АГРОБАНК» ТОМОНИДАН «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АЖРАТИЛГАН **179,5 МИЛЛИАРД** СЎМ МИҚДОРИДАГИ КРЕДИТ ҲИСОБИГА **30332 ТА** ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. » 06



XX АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДАН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА КИРИШГАН ҚОЛОҚ МАМЛАКАТ БУГУНГА КЕЛИБ ДУНЁНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ ГУРКИРАБ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. » 07





## ЖАРАЁН

Сурхондарёда **27 мингдан** ортиқ тадбиркорлик субъекти бўлиб, 2010 йилда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун **115 миллиард 961 миллион** сўм миқдорида кредит ажратилди.

» 04



## ДАВРА СУҲБАТИ

O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш тармоқ ривожида муҳим омилдир» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

» 02



## ШАХМАТ

Мукофот жамғармаси **160 минг евро**ни ташкил этаётган «AEROFLOT open» шахмат фестивалида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов навбатдаги матчда хитойлик Янг Йи Юга қарши дона суради.

» 08

# Ёшлар — соғлом турмуш тарафдори

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА «ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ» ШИОРИ ОСТИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА**

Фарғона политехника институтида ушбу мавзуда ўтказилган давра суҳбатида профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган иллатлардан бири — гиёҳвандлик руҳий ва жисмоний қарамлик билан боғлиқ нохуш оқибатларга олиб келувчи касалликдир. Бу иллат кўплаб ёшларнинг умрини хазон қилаётгани, турли жиноий ҳолатларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Мамлакатимизда аср вабосига қарши кескин ва изчил курашиш, ёшларни унинг чангалидан асраш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда Фарғона политехника институти ректори О.Отақулов, Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари F.Бобораҳимов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раисининг ўринбосари А.Ҳайдаров ва бошқалар шулар хусусида сўз юритиб, гиёҳвандликка қарши курашишда ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар ва ўқув юртлари ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Мутахассислар томонидан гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари аниқ мисоллар асосида ёшларга тушунтириб берилди. Мавзуга оид "Талваса", "Гиёҳвандлик — аср вабоси" ҳужжатли фильмлари намойиш этилди.

**(ЎзА)**




# Ўзбекистон имижи

**БУГУН ДУНЁДА БЕШ МИНГГА ЯҚИН ТИЛ, ИККИ МИНГДАН ЗИЁД МИЛЛАТ, ИККИ ЮЗДАН ОРТИҚ ДАВЛАТ БЎЛСА-ДА, УЛАР ОРАСИДА ЎЗ ҚИЁФАСИ, ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАТОРИ ҲАЛИГАЧА ЎЗ ЙЎЛИНИ, МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙ ОЛМАЁТГАН ДАВЛАТЛАР ҚАНЧА? ШУКРКИ, ОНА ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ ЎЗИГА ХОС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ТАНЛАБ ОЛДИ. АНА ШУ ЙЎЛДА ЧЕКИЛГАН ЗАҲМАТЛАР, ХАЛҚИМИЗ БАХТИ-САОДАТИГА БАХШИДА ЭТИЛГАН ФАОЛИЯТ, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭВАЗИГА ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ҚАРИЙБ 20 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИДА ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ, УНИНГ ДУНЁ САҲНАСИДАГИ ИМИЖИ ШАКЛЛАНДИ**

Бугун Ўзбекистон қиёфаси — имижини белгилаётган асосий омилларга халқаро экспертлар ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Хусусан, мамлакатнинг том маънодаги мустақил йўли ва ўзи танлаган тамойиллардан оғишмаётгани;

айрим давлатлар сиёсатидан келиб чиқиб, у ёки бу йўналишларда кимларгадир эргашмаётгани;

демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашаётгани ва фуқаролик жамиятининг ривожланиб бораётгани;

ниҳоятда қисқа давр ичида ҳарбий, энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигига эришгани.

Иқтисодиётдаги барқарорлик, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда изчил ўсиш кўрсаткичлари ана шу омиллар асосини ташкил этмоқда.

Айниқса, чет эл инвестицияси учун қулай муҳит яратилгани, хусусий секторнинг барқарор ривожланаётгани, аҳолини иш билан таъминлаш ва кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлашдаги изчиллик ҳам халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган муносабатида муҳим роль ўйнамоқда.

3 ▸▸




# Барқарор тараққиёт кафолати

**1991 ЙИЛИ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ЎЗБЕКИСТОН БУГУН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ. АЙНИ КУНДА ЭСА МАМЛАКАТИМИЗНИ ЖАДАЛ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА. ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИ ЭСА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БОШЛАБ БЕРДИ**

Бу ҳужжат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ бир неча ўн йилликларга мўлжалланган стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб бергани билан ниҳоятда муҳимдир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ишлаб чиқилган Концепция нафақат жамоатчилигимиз, балки халқаро таҳлилчилар, экспертлар томонидан ҳам чуқур ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилинмоқда. Корхона-ташкилотлар, ўқув даргоҳлари, айниқса, сиёсий партиялар ташаббуси билан ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотларда ҳам Концепциянинг мазмун-моҳияти атрофлича таҳлил этилаяпти.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбати ҳам Юртбошимиз белгилаб берган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланди.



**Собиржон ЖАББОРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ўтган йилларда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган қатъий ва изчил сиёсатнинг нечоғли тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

2 ▸▸

# Биз танлаган йўл

**ТАРИХАН ҚИСҚА ДАВР ИЧИДА БОШҚАРУВНИНГ ЭСКИ ТИЗИМИДАН БУТУНЛАЙ ВОЗ КЕЧГАН ҲОЛДА ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА КАМДАН-КАМ УЧРАЙДИГАН ҲОДИСАДИР. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲАМ ТУБ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ**

Тармоқда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юртимизда аграр сектор ривожланиб, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун зарур шарт-шароит вужудга келди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги муваффақиятларнинг тамал тоши соҳа тараққиётини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратишдан бошланди. «Ер тўғрисида»ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Уруғчилик тўғрисида"ги қонунлар ва кодекслар, Президент фармонлари, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқий муносабатлар устуворлигини таъминлаш, бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган қарорлари шулар жумласидандир.

Айниқса, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачилик тараққиётига алоҳида эътибор қаратилди.

5 ▸▸

# Хусусий сектор улуши 99 фоизга етди

**2010 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ЭЛЕКТРОН ВА АУКЦИОН САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ ЖАМИ 199,1 МЛРД. СЎМЛИК 9,5 МИНГДАН ОРТИҚ МУЛК СОТИЛГАН БЎЛСА, ШУНДАН 6,9 МИНГТАСИ, ЯЪНИ 99 ФОИЗИ ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ИХТИЁРИГА ЎТДИ**

— Таъкидлаш жоиз: кейинги йилларда биржамиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш учун ер майдонлари ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. — дейди РКМБ бошқарув раисининг ўринбосари Ф.Ражабов. — Мисол учун, ўтган йили биржа тизимида фаолият юритувчи 300 та брокерлик идораси ҳамда 340 нафар малакали брокерларнинг саъй-ҳаракати билан юридик ва жисмоний шахсларга уй-жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш учун 1,887 млрд. сўмлик 2574 та ер майдони, шунингдек, хусусийлаштириш дастурига киритилган 566,64 млн. сўмлик 15 та давлат активи сотилди.

Ўз навбатида РКМБ томонидан бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарига уларнинг тегишли мол-мулкларини мавжуд талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда бозор қийматида сотиш имконияти яратилганини таъкидлаш мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрича, 2010 йилда ана шундай муассасаларнинг 622,04 млн. сўмлик 164 та мулки сотилган. Бундан ташқари, биржа орқали суд ижрочилари томонидан аукцион савдоларига чиқарилган 12,6 млрд. сўмлик 1040 та кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари янги эгалари қўлига ўтган.

## Бугунги сонда:

**АЙНИ ПАЙТДА АЙРИМ ПАРТИЯЛАР БИЛАН ЭЛЕКТОРАТ ЎРТАСИДА УЗИЛИШЛАР БОРЛИГИДАН КЎЗ ЮММАСЛИГИМИЗ КЕРАК. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УЛАР ЎЗЛАРИ МАНСУБ БЎЛГАН ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМ МАНФААТИНИ ТЎЛИҚ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛМАЯПТИЛАР. НАТИЖАДА ОДАМЛАРНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ УНЧАЛАР ЮҚОРИ ЭМАС. АЙТМОҚЧИМАНКИ, СИЁСИЙ КУЧЛАР ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР ҚАРАТСАГИНА, ЎЗ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИША ОЛАДИЛАР. ФУҚАРОЛАРНИНГ БИРОН-БИР СИЁСИЙ КУЧГА АЪЗО БЎЛИШЛАРИ ҲАМ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ.**

02 »

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↓ 1667,67 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1660,19 | 1 Хитой юани | ↓ 251,83 | 1 Туркия лираси | ↓ 1046,11 | 1 Япония иенаси | ↓ 199,58 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↓ 2667,25 | 1 Миср фунти | ↑ 282,58 | 1 Малайзия ринггити | ↓ 544,22 | 1 Швейцария франки | ↓ 1708,36 | 1 Россия рубли | ↑ 56,64 |
| 1 Дания кронаси | ↓ 301,42 | 1 Исландия кронаси | ↓ 14,19 | 1 Польша злотийси | ↓ 574,82 | 1 ЕВРО | ↓ 2263,07 | 1 Украина гривнаси | ↑ 209,05 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 452,17 | 1 Канада доллари | ↑ 1684,79 | 1 СДР | ↓ 2580,96 | 1 Жанубий Корея вони | ↓ 14,78 | | |

Аммо ҳали парламентда партиялараро, фракциялараро рақобат муҳити тўла шаклланди, дейиш қийин. Шунинг учун ҳам Концепцияда бу масалага алоҳида аҳамият қаратилди. Чунки фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёни фақат ғоя ва йўналишлари турлича сиёсий кучлар фаоллиги ошгандагина тезлашади.

# Барқарор тараққиёт кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўтган давр «биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос». Энг муҳими, танланган йўлимизнинг тўғрилигига энг нуфузли халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи мамлакатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатшунослар ва экспертлар ҳам юқори баҳо бермоқдалар.

Юқорида таъкидланганидек, ўтиш даврининг айни бугунги палласида давлат ва жамият бошқарувига муайян ўзгартишлар киритиш зарурати туғилгани туфайли ана шундай дастурий ҳужжат яратилди. Унинг амалиётга тадбиқ этилиши учун мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилиш лозимлиги белгиланди. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилинди ҳамда айни пайтда шу асосда режали ишлар олиб борилмоқда. Ушбу жараёнлар матбуотда кенг ёритилиши, аҳолининг барча қатламларига етказилиши лозим. Бунда энг катта масъулият сиёсий партиялар зиммасига юклатилади, албатта.



**Фахриддин ЗОИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:

**— ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ВА АЙНИ ПАЙТДА БУТУН ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎРТАСИДА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎҚИБ-ЎРГАНИЛАЁТГАН КОНЦЕПЦИЯДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР, АЙНИҚСА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРАДИ. ХУСУСАН, КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 98-МОДДАСИГА КИРИТИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН ЎЗГАРТИШ, ЯЪНИ БОШ ВАЗИР НОМЗОДИ САЙЛОВЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЭНГ КЎП ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИ ЭГАЛЛАГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЁКИ ТЕНГ МИҚДОРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛИШИ ПАРТИЯЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ**

Давлат бошқарувини демократик ислоҳ этишнинг бундай йўли, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусан, 2008 йилдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг парламентдаги ролини кескин оширган ва уларга ўз фракциялари орқали ҳукумат фаолияти юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ваколатини берган эди. Қонунчиликка киритилаётган навбатдаги ўзгартишлар эса партияларга нафақат ҳукумат, балки ижро ҳокимияти сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёнига ҳам таъсир этиш имконини беради. Асосий қонунимизга киритилаётган бундай янги меъёрлар катализатор вазифасини ўтаб, партия қурилишида ҳам, парламентаризм йўналишида ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келади, албатта. Юқоридагидек ўзгаришлар нега бугунги кунга келиб амалга оширилмоқда, деган ҳақли савол туғилади.

Бу барча соҳаларда бўлганидек, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ҳам босқичма-босқичлик тамойилига амал қилинаётганини кўрсатади. Энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Яъни Ўзбекистонда миллий парламентаризм асослари шакллантирилди, икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилди. Кўппартиявийлик тамойили асосида сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланди, улар фаолияти давлат томонидан молиялаштирила бошланди. Буларнинг барчаси партияларнинг сиёсий институт сифатида шаклланишини таъминлаб берди, албатта.

Навбатдаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад эса партияларнинг ижро ҳокимияти устидан жиддий назорат ўрнатиш ва фаолият йўналишларини белгилаш жараёнида қатнашишларини таъминлашга қаратилгандир. Бу эса айни кунгача ўз дастурларини вакиллик органи фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошираётган партиялар зиммасига уларни қайта кўриб чиқиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ ва узоқ муддатларга мўлжалланган дастурлар тайёрлаш вазифасини ҳам юклайди. Шунингдек, Концепцияда таклиф этилаётган нормаларга асосан энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия томонидан Бош вазир номзодини кўрсатиш ва Бош вазирнинг ҳукумат таркибини шакллантириши назарда тутилмоқда. Бу эндиликда сиёсий партиялар зиммасига ижро ҳокимияти тизимида ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлаш масъулиятини ҳам юклайди. Демак, сиёсий партиялар олдига нафақат ижтимоий-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш, балки уларни амалга оширишга қодир бўлган кадрлар захирасини яратишдек долзарб вазифалар ҳам қўйилмоқда.



**Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:

**— МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАР, ЭНГ АВВАЛО, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТНИ КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. НЕГАКИ КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАРГА КЎРА, БОШ ВАЗИР НОМЗОДИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВЛАРДА ЭНГ КЎП ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИ ОЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЁКИ ТЕНГ МИҚДОРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ЎРИНЛАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН БИР НЕЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛИШИ САЙЛОВЛАР ДАВРИДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КЕСКИН ЖОНЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ. БУНДАЙ ҲОЛ БОШ ВАЗИР НОМЗОДИ КЎРСАТИЛГАНДАН СЎНГ ҲАМ ДАВОМ ЭТАДИ**

Эндиликда парламент палаталаридаги партия вакилларига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам қонуний жиҳатдан мастаҳкамланиши назарда тутилган. Бу, бир томондан, ҳукумат олиб бораётган ишлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатса, иккинчи томондан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ дастурларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, партиялараро рақобатни ривожлантириш асослари бундан уч йил аввал қабул қилинган Конституциявий қонунда ўз аксини топган эди. Унда янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ўзларини мухолифат, деб эълон қилишлари белгилаб қўйилганди. Концепцияда илгари сурилган таклифлар қонуний кучга кирса, ушбу нормани ҳаётга татбиқ этиш асослари янада мустаҳкамланади ва сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини, қуришдаги иштироки янада ортади.



**Маҳаммаджон ЖАКБАРОВ,**
фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими:

**— МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН КОНЦЕПЦИЯ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, МАМЛАКАТНИ ТАДРИЖИЙ, БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИ НАҚАДАР ТЎҒРИ ЭКАНИ ВА БУНДАН БУЁН ҲАМ АНА ШУ ЙЎЛНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ НАМОЁН ЭТДИ. УНДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ, ҚАТОР ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА АМАЛДАГИЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАШАББУСЛАР ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИ МУТАНОСИБ РАВИШДА ТАҚСИМЛАШГА, МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР**

Хусусан, мамлакатимизда янги демократик тамойилларга жавоб берувчи тартиб, яъни Бош вазир номзодининг энг кўп овозга эга бўлган сиёсий партия ёки тенг депутатлик ўринларини олган бир нечта сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши бунинг ёрқин исботидир.

Фуқаролик жамиятини ислоҳ этишнинг бундай йўли, шубҳасиз, сиёсий партиялар ва уларнинг қуйи палатадаги фракциялари олдига масъулиятли вазифалар юклайди. Бунда, энг аввало, сиёсий партияларнинг электорат билан ишлаш усулларини кескин ўзгартириш зарур. Тан олиш керакки, бугунги кунда партияларнинг ўз электорати ўртасида қандайдир узилишлар бор. Шунинг учун ҳам айрим партиялар ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам манфаатини тўлиқ ҳимоя қила олмаяптилар. Натижада одамларнинг уларга бўлган қизиқиши унчалар юқори эмас. Айтмоқчиманки, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга бирламчи эътибор қаратсагина, мақсадларига эриша оладилар. Албатта, фуқароларнинг бирон-бир сиёсий кучга аъзо бўлишлари сиёсий партияларнинг амалий фаолиятига боғлиқ. Бунинг замирида ҳам одамларни давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини фаоллаштириш ётади. Демак, сиёсий партия аъзолари ўз манфаатларини, давлат, жамият ва партия манфаатига уйғунлаштирмас эканлар, кутилган натижаларга эриша олмайдилар.



**Олимжон ЎСАРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:

**— 2008 ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНДАН СЎНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ БОРАСИДА МУАЙЯН СИЛЖИШЛАРГА ЭРИШИЛДИ. ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯЛАРАРО ТОРТИШУВЛАР ЖОНЛАНДИ. ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШ, МАВЖУД ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШДА ҲАР БИР ФРАКЦИЯ, ЖУМЛАДАН, O`ZLIDEP ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР.**

Бу — яхши, албатта. Аммо ҳали парламентда партиялараро, фракциялараро рақобат муҳити тўла шаклланди, дейиш қийин. Концепцияда бу масалага бежиз аҳамият қаратилмаган. Чунки фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёни фақат ғоя ва йўналишлари турлича сиёсий кучлар фаоллиги ошгандагина тезлашади. Лекин бунинг аниқ бир қолипга солинган андозаси йўқ, албатта. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Демократия деганда кўпчилик тўғридан-тўғри ғарб демократиясини тушунади. Лекин уни бошқа минтақаларда қўллаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бу борада юртимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, фуқаролик жамияти қуриш йўналишида тутган йўлимизнинг тўғрилигига дунёнинг етакчи сиёсатдонлари ҳам тан бермоқдалар. Давлат ва жамият қурилишини янада мукаммаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар фақат тараққиётга етаклашини халқимиз ҳам тушуниб етди ва эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.



**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими:

**— ДАВРА СУҲБАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ КОНЦЕПЦИЯНИ ҲАЁТИМИЗДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАЙДИГАН ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ, ДЕЯ БАҲОЛАДИЛАР. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ УНДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ЙЎНАЛИШЛАР, ШУБҲАСИЗ, НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИДИР. АММО УНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ, ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ ТАДРИЖИЙ ДАВОМИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ДАСТУР, ДЕБ АТАСАК, ТЎҒРИРОҚ БЎЛАДИ**

Мен имкониятдан фойдаланиб, ислоҳотларнинг бундан кейинги жараёнида марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартириш, уларни бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш бўйича ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартириш масаласига Концепцияда алоҳида эътибор қаратилганини таъкидламоқчиман. Маълумки, ўтиш даврида кучли ижро ҳокимияти зарур эди. Ана шу жараёнда давлат бош ислоҳотчилик вазифасини бажариб, ўз ваколатларини босқичма-босқичлик асосида ижро ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериб борди. Бу баъзи мамлакатлардан фарқли равишда Президентимизнинг ташаббулари билан амалга оширилмоқда. 2008 йилдан бошлаб Бош вазир номзоди парламент билан маслаҳатлашув асосида тайинланиши ушбу ислоҳотларнинг ёрқин намунаси бўлди. Эндиликда эса мазкур масалада янги қадам қўйилиб, ҳукумат номзодини кўрсатиш ваколати сиёсий партияларга берилмоқда.

# Курсантлар Концепцияни ўрганишмоқда



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИНИ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРГА ЧУҚУР ТУШУНТИРИШ МАҚСАДИДА УЧРАШУВ ВА АНЖУМАНЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам мазкур Концепцияда белгилаб берилган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга бағишланди. Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ҳуқуқшунослар, олий ҳарбий билим юрти ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этдилар.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи, полковник Х.Маматов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, академик С.Ғуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Концепция мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим босқич бўлишини, ундаги ғоя ва таклифларни ҳаётга татбиқ этишда ёшлар фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлашди. Концепцияда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Барча таълим муассасаларида бўлгани каби Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам Концепцияни чуқур ўрганиш ва уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди. Курсантларга унинг электрон варианти тарқатилди. Бундай тадбирлар мазкур йўналишда ўзаро фикр алмашиш, ёшларга ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутахассислардан маълумотлар олиш имконини беради.

Тадбирда Концепцияда белгиланган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

**(ЎзА)**

# ИЭС талабаларни қизиқтириб қолди

**O`ZLIDEP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ УНИТАР КОРХОНАСИДА «ЁШЛАРНИНГ ИҚТИДОРИ ВА САЛОҲИЯТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАРМОҚ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛДИР» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ**



O`zLiDeP фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва Нишон туманидаги «Нефтгаз ва энергетика» коллежи талабалари иштирок этган тадбирда Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари Ботир Мусурмонов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритди.

— Тадбир иштирокчилари Талимаржон ИЭС унитар корхонаси қошида ташкил этилган тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар билан ҳам танишдилар, — деди O`zLiDeP Нишон туман кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Улуғбек Хўжаёров. — Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битираётган ёшларни тадбиркорликка жалб этиш — долзарб вазифа, албатта. Шу маънода корхона ёрдамчи хўжалигида касаначилик орқали ёшларнинг иш билан таъминлангани қувонарли ҳолдир.

Айниқса, коллеж талабаларида нафақат ишлаб чиқариш цехлари, балки ёрдамчи хўжаликда олиб борилаётган ишлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Бугун тадбиркорликни нимадан бошлаш керак, деган саволимга жавоб олдим, — дейди нишонлик Муродбек Қаршиев. — Очиғи, маҳаллий маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятим бор эдию, бироз иккиланиб юргандим. Энди қатъий қарорга келдим.

— Дугоналарим билан партия вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловида қатнашмоқчимиз, — дейди коллеж талабаси Малоҳат Умарова. — Қишлоқда каштачилик, ҳунармандчилик, зардўзлик ва тикувчилик билан шуғулланаётган қизлар талайгина. Уларнинг истеъдод ва қобилиятини синовдан ўтказишда мазкур танлов муҳим аҳамият касб этаяпти. Қолаверса, бугунги тадбирдан сўнг кўпчилик тенгдошларимизда Талимаржон ИЭС унитар корхонасининг ёрдамчи хўжалигидаги иссиқхона ва тикувчилик цехларида ишлаш нияти пайдо бўлди.

«XXI ASR»
2011 йил 17 февраль, пайшанба
07 (379)-сон

Шу ўринда бундай обрў-эътибор «Ўзбек модели»нинг асосини ташкил этган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётган машҳур беш тамойилнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани, давлатимизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати ҳамда бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати самараси эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

# Ўзбекистон имижи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Илҳом НАСРИЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

Бундан ташқари, тарихга, урф-одат ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарга содиқлик, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, осори атиқалар, буюк алломаларимиз қадамжоларининг давлат томонидан ободонлаштирилаётгани ҳам эндигина йигирманчи баҳорини қаршилаётган Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини белгиламоқда. Оммавий ахборот воситалари мавқеи мустаҳкамланаётгани, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга бирламчи эътибор қаратилаётгани эса амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминламоқда.

Ўзбекистон қулай географик ҳудудда, «Буюк Ипак йўли»да жойлашгани билан ҳам жаҳон мамлакатлари эътиборини тортаяпти.

Шу ўринда халқаро таҳлилчилар Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг энг йирик давлатигина эмас, балки тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган, демократик ислоҳотларни изчил ривожлантираётган ва халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларига содиқ қолаётган давлат сифатида ҳам эътироф этмоқдалар.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тобора ривожланаётгани, ўзбек пахтаси ва олтинининг дунё бозоридаги мавқеи, мамлакатда автомобилсозлик соҳасининг гуркираб ривожланаётгани ҳам мустақил Ўзбекистон имижини белгилаб бермоқда.

Тарихан қисқа даврда собиқ иттифоқдаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ўрнида миллий давлатчилик анъаналари тикланганиу эртанги кунини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш орқали, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўраётган янги авлод вакилларининг дадил одимлари ҳам, шубҳасиз, қарийб 20 йиллик меҳнат самараси сифатида Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини белгилаб бермоқда.

Парламентаризмнинг ривожланиши, демократик сайлов тизими шаклланганиу кўппартиявийлик тамойили, сиёсий партияларга қўшимча ваколатлар берган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши эса Ўзбекистоннинг янги имижини янада мустаҳкамлади.

2008 йилдан бошлаб мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилиши ҳам дунё ҳамжамияти томонидан ижобий кутиб олинди.

Мустақиллик даврида шаклланган ва бугун мустаҳкамланиб бораётган мамлакатимиз имижи, шубҳасиз, юртдошларимиз тафаккури ўзгараётгани, уларнинг ислоҳотларга дахлдорлиги ортиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Янгича тафаккур, замонавий дунёқараш билан улғаяётган баркамол авлод ҳам юксак маънавият тамойиллари устувор бўлган юрт фарзандлари эканидан фахрланмоқдалар.

Шу ўринда бундай обрў-эътибор «Ўзбек модели»нинг асосини ташкил этган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётган машҳур беш тамойилнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани, давлатимизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати ҳамда бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати самараси эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Албатта, мамлакат имижи тараққиётнинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлик тамойиллари асосида ривожланиши баробарида яна кўплаб тушунчалар қатори мудофаа қудратининг мустаҳкамланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакат имижи, унинг жаҳондаги ўрни ва тараққиёт моделининг самарадорлиги ҳақида сўз кетганда, беихтиёр бу жараённинг янги замонга мос кадрлар сиёсати, таълим-тарбия тизимининг такомиллашуви, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш масалалари алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаш жоиз.

Юртбошимиз томонидан яратилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини, мустақиллик йилларида эришилган натижалар таҳлили ва белгилаб берилган устувор вазифаларни қайта-қайта мушоҳада этар эканмиз, ўтган 20 йил дунё харитасида Ўзбекистон дея аталган янги демократик давлатнинг пайдо бўлишига замин яратганини кўрамиз.





ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНГАНИ, КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТАМОЙИЛИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ҚЎШИМЧА ВАКОЛАТЛАР БЕРГАН «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЭСА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ИМИЖИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ.

Дунёнинг таниқли сиёсатчилари, олимлар ва халқаро экспертлар томонидан ўрганилаётган ана шу муҳим ҳужжатда Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга қаратилган ғоялар ва чора-тадбирлар мажмуаси яна бир бор барчамизни ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва пировард натижада мамлакат имижини янада юқори кўтаришга камарбаста бўлишга ундайди.

Чунки яқин ўтмишимизга назар ташласак, мустақилликнинг илк давридаёноқ асосий эътибор ҳеч кимдан кам бўлмаган ва шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишга қаратилганига амин бўламиз. 1992 йилнинг 8 декабри эса ана шу жараёнларнинг Асосий қомуси яратилган кун сифатида тарихга кирди. Унда «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади» дея қатъий белгилаб қўйилди.

Тараққиётимизнинг беш тамойилидан бири бўлган иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги эса мамлакатда мулкка муносабатни ўзгартириб, жамиятда мулкдорлар қатлами, ўрта синфнинг пайдо бўлишига замин яратди. Истиқлолнинг дастлабки даврларида кимларгадир «Мустақил тарзда игна ҳам ишлаб чиқара олмайдиган давлат» бўлиб туюлган Ўзбекистоннинг эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва якка партия мафкурасидан холи давлатга айлана олиши гўё афсона бўлиб кўринганди.

Беадад шукрки, тўғри танланган йўл, барча соҳаларни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз иқтидори ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, жамиятда мавжуд бўлган турли манфаатлар, хилма-хил кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи механизмнинг яратилгани туфайли ҳам Ўзбекистонда барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик сақлаб қолинди.

Мулкка бўлган ўгай муносабат ўрнини мулк ва мулкдорлик тараққиётнинг тагзамини экани ҳақидаги тушунчалар эгаллади. Энг асосийси, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кескин оширишга қаратилган ислоҳотлар «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиорини амалга оширишга имкон яратди.

Ўша пайтларда Юртбошимиз: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу ўтмиш йилларининг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишдир», — дея таъкидлаган эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи Юртбошимиз раҳнамолигида сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, яъни тараққиётни тадрижий йўл билан юксалтириш моделини танлади. Президентимизнинг «Ўзбекистон — буюк келажак сари» асарида эса бу йўл «аҳолининг миллий тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб» чиқиши алоҳида белгилаб берилди.

Рақамларга эътибор берайлик: агар 1990 йилда Ўзбекистон дея аталган мурғак давлат очарчилик, парокандалик остонасига бориб қолган бўлса, мустақиллигимизнинг 19-йилида унинг бир йиллик бюджети 13 триллион сўмдан зиёдни ташкил этди. Кейинги ўн йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиздан кам бўлмади. 2010 йилда, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда бу кўрсаткич 8,5 фоизни ташкил этди.

Миллий бойликларни кўпайтириш, одамларга муносиб турмуш тарзи ва иш шароити яратиб бериш, изчил ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишга қаратилган сиёсат туфайли ҳам ана шундай натижаларга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган давр Ўзбекистонда том маънодаги тикланиш ва мамлакат пойдеворини мустаҳкамлаш даври бўлди. Бунда ўтган йиллар тажрибаси таҳлил этилиб, жаҳондаги давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги тажрибалар ўрганилди. Улар тўпланган миллий тажрибалар билан уйғунлаштирилди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2007 йили Сингапурнинг «Today» газетасига берган интервьюсида Ўзбекистон ҳудуди жаҳон цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири бўлгани, бу қутлуғ маконда қудратли давлатчилик анъаналари сақланиб тургани ҳақидаги фикрлар айтилган эди.

— Бу Ғарб ва Шарқ халқларининг маданияти туташган, ўз асарлари билан дунё тамаддуни хазинасига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим ва мутафаккирлар яшаб, ижод этган заминдир, — деган эди ўшанда Юртбошимиз.

Бу эса халқимизнинг оққан дарё оқаверади, деган нақлини эслатади. Гарчи мамлакат узоқ йиллар парокандалик, таназзул ва истибдодни бошдан кечирган бўлса-да, истиқлол туфайли яна ўзлигига қайтди.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, бундан ўн йиллар муқаддам Юртбошимиз томонидан айтилган «Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт» деган сўзлар ёдимизга тушади.

Бизнингча, бугун ҳам ана шу ёндашув ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Гарчи давр, шароит, қарашлар, онгу тафаккуримиз ўзгарган бўлса-да, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, халқаро муносабатлардаги ёндашувлар юртимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, мамлакатимиз қиёфаси, имижи, унинг шаъни учун тинмай меҳнат қилишимиз лозимлигини англатади. Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги: «...бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик» деган даъватлари эса ислоҳотларнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган сиёсий партиялар, айниқса, O`zLiDeP зиммасидаги масъулиятни ўн чандон ошириб, барчамиздан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.



**Насим АЛИМОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

# Қонунчилик такомиллаштирилиши керак

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2011 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЎРТА СИНФ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КЕНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КЎЗДА ТУТАДИ**

Дастурда тадбиркорлик фаолиятига дахлдор ташкилотлар зиммасига бир қатор вазифалар юкландики, улар ижросини таъминлаш мулкдорлар қатлами фаолияти бундан-да тараққий этишига хизмат қилади. Айниқса, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес муҳити яратиш мақсадида давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартиришга қаратилган вазифалар тадбиркорлик субъектлари олдида турган бюрократик тўсиқларни бутунлай бартараф этиш имконини беради.

Дастурда кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотурар жой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланганиу Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди.

Бу борада, аввало, депутатлар олдида мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама чуқур изоҳлар билан тушунтириш ва таъсирчан тарғибот усуллари орқали уни фуқароларимизга етказиш вазифаси турибди. Шунингдек, дастурда белгилаб берилган вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида, биринчи навбатда, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳам долзарб вазифаларимиздан биридир. Агар ана шу қонунларни ўз вақтида қабул қилсак, дастурда кўзда тутилганидек, айрим ҳолатларда тадбиркорлар ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозликлардан қутуладилар.

Бу жараёнда эса тадбиркор, фермер, ҳунарманд ва касаначилар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP зиммасига асосий масъулият юкланади.

«ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БИРИДИР. АГАР АНА ШУ ҚОНУНЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАБУЛ ҚИЛСАК, ДАСТУРДА КЎЗДА ТУТИЛГАНИДЕК, АЙРИМ ҲОЛАТЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИК ВА ҚОҒОЗБОЗЛИКЛАРДАН ҚУТУЛАДИЛАР.



**Нуриддин МУРОТОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

# Дастур кичик бизнесга кафолат ва имтиёзлар беради

**«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИГА АЙЛАНГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад соҳани янада ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратган ҳолда аҳоли даромадларини кўпайтиришга қаратилгани билан ҳам муҳимдир.

Гарчи 2010 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз ўсган бўлса-да, Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор, саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаётганига эътибор қаратдилар. Ва бу масалани ҳал этиш учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарурлигини таъкидладилар. Шу маънода қарорда хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлат бошқаруви функцияларини ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Унда, шунингдек, саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантиришнинг белгилангани соҳанинг саноатдаги улушини янада орттириш имконини беради. Бундан мақсад турли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш орқали бозорларимизни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш ва энг асосийси, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилишдан иборатдир. Ушбу дастур моҳиятан халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъана, тартиб-тамойиллари асосида ишлаб чиқилгани билан ҳам аҳамиятли эканини таъкидлаш жоиз. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда эса O`zLiDePнинг барча даражадаги тузилмалари фаоллиги талаб этилади. Гап электоратимиз манфаати ва юрт истиқболи ҳақида борар экан, озгина масъулиятсизлик ҳам бизга қимматга тушиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида қолаётган маблағ улар фаолиятини янада ривожлантириш, пировардида аҳолининг бандлик даражасини ошириш учун қўшимча имконият яратмоқда. Солиқ соҳасидаги ўзгаришлар билан бир қаторда янги меъёрлар ҳам киритилди.

Булунғур туман солиқ инспекцияси ходимлари А.Примқулов ва Р.Усмоновларнинг масъулиятсизлиги сабаб «Шуҳрат-КМ» хусусий фирмаси қайта рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги маълумотлар тегишли ҳужжатларга киритилмай қолиб кетган экан. Натижада корхона кўрсатилган манзилда фаолият юритаётгани инспекциянинг маълумотлар базасидан ўрин олмайди.

# Имкониятлардан самарали фойдаланиш — асосий масала

## 2010 ЙИЛИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ПАСАЙТИРИЛИШИ ВА БОШҚА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИГА 5,1 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДАГИ МАБЛАҒ КОРХОНАЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛДИ

**Хуррам ЖЎРАЕВ,**
Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи



Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик янгилаш учун қўшимча имкониятлар яратди. Натижада минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Жорий йилда корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағ 6,5 млрд. сўмни ташкил этиши кутилаяпти.

Яратилаётган қулайликлар, берилаётган имтиёзлар самараси ўлароқ кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони ўтган йили 4 мингдан ортди. Эътиборли томони шундаки, мазкур субъектларнинг 30 фоиздан ортиғи ёш тадбиркорлар томонидан ташкил этилди. Бундан давлат ҳам, тадбиркор ҳам катта манфаат кўрмоқда. Зеро, улар томонидан бюджет ва мақсадли жамғармаларга 1 млрд. сўмдан ортиқ тўловлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида бу йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилиб, унда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга, йўл фонди ажратмаси эса 1,5 дан 1,4 фоизга туширилди. Аҳолининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 11 фоиздан 10 фоизга, иккинчи шкаласи бўйича 17 фоиздан 16 фоизга пасайтирилди.

Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида қолаётган маблағ улар фаолиятини янада ривожлантириш, пировардида аҳолининг бандлик даражасини ошириш учун қўшимча имконият яратмоқда. Солиқ соҳасидаги ўзгаришлар билан бир қаторда янги меъёрлар ҳам киритилди. Олди-сотди фаолиятини амалга оширувчи хўжалик субъектлари учун солиқ солишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида таъминот-сотиш корхоналари ҳам 33 фоизли ставкада эмас, балки улгуржи савдо корхоналари каби товар айланмаларидан 5 фоиз миқдоридаги ягона солиқ тўловига ўтказилди. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун савдо жойларини ижарага берувчи (ижарага беришдан олинган даромад 60 фоиздан ортиқ бўлса) ихтисослашган корхоналар учун 30 фоизли ставка жорий қилинди.

2011 йил 1 январдан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги корхоналар учун ходимлар сонининг энг кам меъёрлари ҳамда иш ҳақи фондини белгилаш тартиби ўрнатилди. Таъкидлаш керакки, юртимиздаги айрим қурилиш корхоналари молиявий ҳисоботларда ишчилар сонини кўрсатмасликка ҳаракат қилишар эди. Эндиликда ишчилар ва иш ҳақи фондининг энг кам миқдорининг белгилаб қўйилиши ўз-ўзидан юқоридаги муаммони ҳал этиш имконини беради.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, уларда банд ходимларнинг ўртача йиллик сони чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ҳамда ҳуқуқлар сақланиб қолиши белгиланди. Эндиликда ишлаб чиқариш тармоғида чекланган ходимлар сони 20 нафардан 24 нафарга, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 10 нафардан 12 нафарга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 нафардан 6 нафарга оширилиши мумкин.

Бу, ўз навбатида, янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда битирувчи талабаларнинг қисқа фурсатда ишга жойлашишларига имкон беради. Мазкур фармон асосида вилоятдаги ягона солиқ тўловчи 5983 та микрофирма ва кичик корхоналарда жами 23,3 мингта қўшимча иш ўрни яратилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 январдаги 6-сонли қарори билан юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин бўлган 66 та фаолият тури белгилаб қўйилди. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги қарорига асосан фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга ягона солиқ ставкасини 50 фоиз камайтирилган ҳолда тўлашига рухсат берилган. Мазкур қарорга кўра, 2012 йилнинг 1 январига қадар ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компаниялари ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Айни пайтда солиқ тўловчилар солиқ идораларига келиб, вақтларини беҳуда ўтказмасдан, барча турдаги ҳисоб-китобларни интернет орқали электрон кўринишида жўнатишлари ва шу заҳотиёқ улар қабул қилингани борасидаги маълумотларни олишлари мумкинлигини таъкидламоқчиман. Улар учун солиқ қарзлари, тўловлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имконияти яратиб берилди. Бундан ташқари улар, корхонада ўтказиладиган текшириш муддати ва текширувчи органлар, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвалидан кўчирма, форум орқали Давлат солиқ қўмитасидан ўзларини қизиқтирган масалаларга оид саволлар бўйича ҳам тўла маълумот олиш имконига эга бўлдилар.

Бир сўз билан айтганда, солиқ соҳасидаги имтиёз ва преференциялар туфайли юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада бойитиш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятлари кенгайтирилди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг даромади ва фаровонлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайлик ва имтиёзлар яратилди, деганидир. Энди ҳамма гап тадбиркорларимизнинг ана шундай шароитлардан самарали фойдаланишларида қолган, холос.

Давра суҳбати

## Ижобий ўзгаришларнинг рақамлардаги акси

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

**2000 йилда Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 33 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 64,1 фоизга етди.**

**Ўтган йили тадбиркорлар учун ажратилган жами кредитлар 127 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, микрокредитлар ҳажми 27,8 млрд. сўмдан ортди.**

**Бундай ўзгаришлар Бухоро тумани тадбиркорлари, кичик бизнес субъектлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётгани Галаосиё педагогика коллежида O'zLiDeP Бухоро туман кенгаши, туман прокуратураси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида алоҳида таъкидланди. Турган гапки, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ўринсиз аралашувларнинг олдини олиш, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фармонлар ва қарорлар бу борада муҳим аҳамият касб этаяпти.**

**Юртбошимизнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам айнан ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди.**

# Усмонов ҳам, Примқулов ҳам жазоланди

## ЮРТБОШИМИЗ ФАРМОНЛАРИ ҲАМДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАРГА КЎРА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР, СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ПАСАЙТИРИБ БОРИЛИШИ ВА БАНКЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАЁТГАНИ ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРКИБИДАГИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 40923 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ҳудуд иқтисодиётидаги улуши 73,6 фоизни ташкил этмоқда. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдиҳамид Тамиқаевнинг таъкидлашича, тадбиркорларнинг амалдаги қонунлардан хабардорлиги уларга нисбатан қонун бузилишларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг такомиллашиб бораётганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Агар илгари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бир ой вақт талаб этилган бўлса, энди юртдошларимиз туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари орқали 2 кунда ўз фаолиятларини бошлаш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, аввал тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида бож ундирилган бўлса, энди энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдоридаги маблағ тўланаяпти. Лекин ана шундай қулайликларга қарамай тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айрим ташкилотларнинг бугунги кун талабларини етарли даражада англамаётганликлари тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, 2010 йилда вилоят адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектларидан жами 108 та шикоят тушган бўлиб, уларнинг 102 таси ўз ечимини топди. 6 та мурожаат эса мутасадди идораларга юборилди. Ўтган йилда тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилотларга 207 та тақдимнома, 71 та огоҳнома ва 49 та кўрсатма киритилди. Натижада 328 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, улардан 33 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шу билан бирга, суд идораларига тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб 349 млн. сўмлик 230 та даъво аризаси киритилиб, 341 млн. сўмлик даъволар қаноатлантирилди. Тақдимномалар асосида 170 млн. сўмликдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Ургут туманидаги «Икромжон МММ» хусусий корхонаси раҳбари М.Қурбоновнинг шикояти ўрганилганида, солиқчилар томонидан унга нисбатан амалдаги талаблар қўпол равишда бузилгани аниқланди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақатгина суд орқали қўлланилиши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, тадбиркорлик субъекти ҳисоб рақамига қўйилган ноқонуний инкассо топшириқномаси асосида 162 992,53 сўм миқдоридаги тўлов амалга оширилган. Адлия бошқармаси ушбу масала бўйича туман солиқ инспекциясига корхона ҳисоб рақамига қўйилган 2899018 сўмлик инкассо топшириқномаси ижросини тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритди. Натижада ноқонуний ҳужжат асосида олинган маблағ тадбиркорга қайтарилди.

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган «Шуҳрат-КМ» хусусий фирмаси раҳбари У.Ахатовнинг шикояти ўрганилганда яна бир қизиқ ҳолат аниқланди. Булунғур туман солиқ инспекцияси ходимлари А.Примқулов ва Р.Усмоновларнинг масъулиятсизлиги сабаб «Шуҳрат-КМ» хусусий фирмаси қайта рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги маълумотлар тегишли ҳужжатларга киритилмай қолиб кетган экан. Натижада корхона кўрсатилган манзилда фаолият юритаётгани инспекциянинг маълумотлар базасидан ўрин олмайди. Қарабсизки, ишлаб турган корхона солиқ инспекциясининг қарорида «фаолият юритмаётган»га чиқиб қолади ва ташкилотнинг банкдаги барча ҳисоб рақамлари бўйича операциялари тўхтатиб қўйилади.

Адлия бошқармаси аралашуви билангина солиқ инспекциясининг ана шу қарори бекор қилинди. Бу муаммонинг келиб чиқишига сабабчи бўлган Р.Усмонов ва А.Примқуловлар тегишли жазоларини олдилар.

Хуллас, бугунги тадбиркор замондошларимизнинг ҳуқуқлари қонунлар билан кафолатланган. Амалдаги қонунлардан хабардор бўлган ишбилармонлар эса ҳеч қачон ютқазмайдилар.

# O`zLiDeP ва банк ҳамкорлиги кучайтирилиши керак

## ТЕРМИЗДА O`ZLIDEP СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ «ЁШЛАРНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ

**Фарҳод ТОШБОЕВ**

Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда асосан талабалар ва ёш тадбиркорлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққан бўлим раҳбари Матлуба Жўраева тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлашга оид ишлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада кучайтирилиши лозимлигини таъкидлади.

O`zLiDeP аъзоларининг 10809 нафарини ёшлар ташкил этаётган воҳада партиянинг навқирон аъзолари ўқиш билан бирга тадбиркорликда ҳам тенгдошларига ўрнак бўлаётганлари қувонарли ҳол, албатта.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳайдар Абдурасуловнинг таъкидлашича, Сурхондарёда 27 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, 2010 йилда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 115 миллиард 961 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган. Уларнинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса 71,7 фоизни ташкил этган. Энг муҳими, тадбиркорлар томонидан 39 минг 236 та янги иш ўрни яратилган. Ҳудудда тўғридан-тўғри хориж инвестицияси ва маҳаллий сармояларни жалб этган ҳолда 348 та лойиҳа амалга оширилгани ҳам Сурхондарёда ўрта қатлам вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади. Жумладан, Термиз шаҳридаги «Термиз-Сурхон силк» корхонасида пилла, Денов туманидаги «Файзиқул-Файз-Баракат» хусусий корхонасида эса гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Музработ туманидаги «Сурхон ғишт қурилиш», Узун туманидаги «Боботоғ-Файзава» масъулияти чекланган жамиятларида эса пишиқ ғишт, Ангор туманидаги «Олтин воҳа» хусусий фирмасида плёнка ишлаб чиқарила бошланди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим мудири Улуғбек Тўраев эса ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда, айниқса, «Микрокредитбанк» муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади. Мазкур молия муассасасининг «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳалари йиллик 3 ва 7 фоизли имтиёзли кредитлар олишда қўл келмоқда. Лойиҳанинг республика босқичида ғолиб чиққан тадбиркорларнинг кредит фоиз ставкалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қопланаётгани эса ёш бизнесменларни янада фаол бўлишга ундамоқда. Давра суҳбатида ёшлар учун айнан ана шундай имтиёзли кредитларни кўпайтириш учун O`zLiDeP банклар билан ҳамкорликни кучайтириши лозимлиги таъкидланди.

XASR I
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир FАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 1136
Тираж: 18 596

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ,
С.ЗОИРОВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Президентимизнинг биз, фермерларга қарата айтган: «Сира бўш келманглар. Мен ҳамиша сизлар билан биргаман», — деган гапларини эсласам, кўнглим тоғдек кўтарилади.



# Нукусда вакиллик иш бошлади

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БЕРУНИЙ ТУМАНИДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР ЎТКАЗДИ**

**Матлуба ЕРЖАНОВА,**
Нукус шаҳри

Амударё, Тўрткўл, Элликқала ва берунийлик 60 дан ортиқ тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда O`zLiDeP олдида турган энг муҳим вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Жўқорғи Кенгес депутати Амина Қаландарова партия аъзолари сони 10 минг нафардан ошганини, шундан 3556 нафарини, яъни 35 фоиздан кўпроғини ишбилармон, тадбиркор ва фермер аёллар ташкил этаётганини таъкидлаб, улар фаолиятига халал бераётган муаммолар изчил таҳлил этилаётганини айтди.

O`zLiDeP Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Доно Аҳмедова эса юртимизда ишбилармонликни равнақ топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, кичик бизнесни янада ривожлантиришга қаратилган катта эътибор натижасида тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратилаётганини мисоллар билан таҳлил қилиб берди.

Шунингдек, семинарда 2010 йилда “Аёллар қаноти” томонидан Қорақалпоғистонда 2352 та давра суҳбати, учрашув ва семинар-тренинглар ташкил этилгани уларда 142000 га яқин партия ғояларига хайрихоҳ бўлган хотин-қизлар иштирок этгани таъкидланди. Бу тадбирларда изчил олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва фермерлик соҳасига оид кўникмаларини шакллантириш, соҳага оид ҳуқуқий меъёрлар, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори В.Котельникова эса қорақалпоғистонлик тадбиркор ва фермер аёлларга марказ олиб бораётган ишлари тўғрисида ахборот бериб, марказнинг Нукус шаҳрида очилган вакиллигига ҳар доим мурожаат этишлари мумкинлигини билдирди.

Семинарда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларга ўз бизнесини очишга кўмаклашиш партия олдида турган долзарб вазифалардан экани қайд этилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар тадбиркор ва фермер аёллар томонидан ташкил этилган кўргазма билан танишдилар.



# Мусобақага пухта ҳозирлик кўрилмоқда

**ТЕРМИЗ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН «БАРКАМОЛ АВЛОД-2011» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА ЖИЗЗАХЛИК ЁШЛАР ҲАМ ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА**

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
ЎзА

Президентимиз ташаббуси билан «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли ноёб тизимнинг йўлга қўйилгани ёшларимизни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмушни қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларнинг кўпчилиги дастлабки қадамни «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» мусобақаларида қўйганига ишонч ҳосил қиламиз.

Жиззах вилоятида «Баркамол авлод-2011» мусобақаларининг дастлабки босқичлари қизиқарли, кескин курашлар билан ўтди. Мусобақаларда сараланган 104 ўқувчи 17 жамоа таркибида спортнинг 12 тури бўйича финал босқичига тайёргарлик машғулотларини олиб бормоқда. Спортчи ёшлар, уларнинг мураббий ва ўқитувчиларига вилоят марказидаги олимпия захиралари, транспорт ва алоқа коллежларининг спорт комплексларида машғулотларни ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ёш спортчилар орасида олис қишлоқлардаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари салмоқли ўрин тутади. Бу давлатимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган юксак эътиборнинг, хусусан, қишлоқ мактаблари ва коллежларида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган кенг имкониятларнинг амалий натижасидир.

Бугун Сурхондарё сафарига ҳозирлик кўраётган ўқувчилар орасида енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби Роман Штукан, дзюдо бўйича қитъа чемпионатининг бронза медали соҳиби Пардабой Мархабанов, турли спорт турлари бўйича ўттиз нафардан зиёд мамлакат чемпионлари ва совриндорлари борлиги вилоят терма жамоаси таркиби сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

— Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларида вилоятимиз ўқувчилари умумжамоа ҳисобида олтинчи ўринни эгаллаган эди, — дейди Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Неъмат Орипов. — Бу гал ўқувчи-ёшларимиз совринли ўринлардан бирини эгаллаш мақсадида ғайрат-шижоат билан ўз маҳоратини ошириш устида ишламоқда. Мусобақага тайёргарлик доирасида режалаштирилган ўқув-машғулотлари юқори савияда ўтказилаётир.

# Биз танлаган йўл

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ҳакимжон САЙДАЛИЕВ,**
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор



Собиқ тузум давридагидек, суғориладиган ерларнинг деярли ҳаммасига пахта экиш сиёсатидан воз кечилиб, бу соҳага ажратилган майдонлар кескин қисқартирилди. Қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштиришни ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш бош мақсад қилиб белгиланди. Пахтачиликни ривожлантириш ва толанинг халқаро бозордаги мавқеини ошириш мақсадида “Сифат” маркази, “Ўздавуруғназоратмаркази”, Республика Пахта уруғчилиги маркази ташкил этилди. Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб уруғ етиштирувчи хўжаликлар, илмий муассасалар ва уруғчиликка дахлдор субъектларнинг моддий манфаатдорлиги кескин оширилди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқилиб, уруғлик пахта учун устама ҳақ тўлаш тартибининг жорий қилиниши ҳам эътиборга лойиқ ишлардан биридир. Ўтган давр мобайнида фақат Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг ўзида ўрта ҳамда ингичка толали 33 та пахта нави яратилди. Бундан олинган иқтисодий самарадорлик 2006-2009 йилларда 394 миллиард 701 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Келажак ҳақида бугундан қайғуриш лозим, албатта. Шу маънода олиб қарасак, Ўзбекистон Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, соҳани мунтазам ислоҳ қилиб бориш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Пахта ва ғалла каби стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик соҳаларида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш учун мустаҳкам база яратилди.

Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳа истиқболини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ана шу мақсадлар учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди ва 260 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу муҳим ишга хориж сармояси ҳам кенг жалб этилмоқда. Жумладан, 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағи айнан шу мақсадга йўналтирилгани фикримизнинг далилидир.

Хизмат юзасидан вақти-вақти билан вилоятларда бўлиб тураман. Ана шундай сафарлардан бирида Бекобод туманидаги «Хўжа Аҳмад» фермер хўжалиги раҳбари Хўжа-Аҳмад Бобомуродов билан суҳбатлашиб қолдим.

— Тўғриси, фермерликка қўл уришдан олдин анча иккилангандим, — дейди у. — Мустақил иш юритиб, шартнома режаларини бажариш, ишчи-хизматчиларга ҳақ тўлаш масъулияти жуда оғир. Эплолмасанг, эл олдида уят. Хуллас, таваккал қилишга тўғри келди. Дастлабки икки йилда анча қийналганимни ҳам яширмайман. Ўша кезларда Президентимизнинг фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинди. Имтиёзли кредит олиб, зарур техника воситалари сотиб олдим. Бахтимга ҳосилдорлик ҳам кўнгилдагидай бўлди. Ойнаи жаҳон орқали хориждаги фермерларнинг иш юритиши, турмуш тарзини кўриб, ҳавасим келарди. Энди эса ўзимдаги имкониятлар уларникидан кам эмас. Ҳамқишлоқларим орасида ҳам ҳурматим баланд. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий мулкдорман. Мустақил равишда иш бошлаганимга яқинда ўн йил тўлади. Экин майдонларимиз адир ерларда жойлашганига қарамасдан ҳар йили юқори ҳосил етиштириб келаяпмиз. Режалар ортиғи билан уддаланмоқда. Натижа ҳам шунга яраша. Ўтган йили 80 миллион сўмдан зиёд фойда олдик.

Президентимизнинг биз, фермерларга қарата айтган: «Сира бўш келманглар. Мен ҳамиша сизлар билан биргаман», деган гапларини эсласам, кўнглим тоғдек кўтарилади. Давлат раҳбари бошимизни силаб турса, қувонмай бўладими ахир?!

Оддий фермернинг самимий гапларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ биринчи галда оддий халқни ўйладилар. Мамлакатимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини энг долзарб вазифа сифатида белгилаб, қисқа давр мобайнида ғалла мустақиллигига эришишни кун тартибига қўйганлари ва бунга эришиш учун барча имкониятларни яратиб берганини яхши биламиз. Ўша пайтларда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, бошоқли дон экиш учун 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган ер ажратилгани туфайли ҳам йилига 6 млн. тоннадан зиёд дон етиштиришга муваффақ бўлинаяпти. Ўртача ҳосилдорлик эса 42 центнерни ташкил этмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда қарийб 7 млн. тонналик хирмон уюлгани бунинг яққол далилидир. Етиштирилган ҳосилни хорижга сотишни эса илгари тасаввур ҳам қила олмасдик.

Бугун юртимизда шундай фермерлар борки, улар гектаридан 60-100 центнердан ғалла етиштирмоқдалар. Пахтаобод туманидаги “Қаҳрамон”, Ғиждувон туманидаги “Калон Мажид”, Нишон туманидаги «Нишонбоев Олимжон», Наманган туманидаги “Мирҳамза Каримов”, Иштихон туманидаги “И.Арзиқулов”, Сариосиё туманидаги “Саидмўмин Сухроб Боймат”, Пскент туманидаги “Носир”, Тошлоқ туманидаги “Замин зиё саховати”, Боғот туманидаги “Аллаберган Матёқуб Базирён”, Элликқаъла туманидаги “Чорвадор” фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Умуман олганда, 1994 йилда қабул қилинган Дон мустақиллиги дастурининг рўёбга чиқарилиши бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб, кескин етишмовчилик бўлиб турган бир пайтда биз юртимиздаги маъмурчиликдан ҳар қанча қувонсак арзийди.

Таъкидлаш жоизки, мева-сабзавотчилик йўналиши соҳасида ҳам муайян ўзгаришларга эришилаяпти. Мазали, витаминларга бой мева навларининг яратилиши, манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалигига алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Хусусан, шўрланишга мойил суғориладиган майдонларда бопре ва доршкампс дурагайли терак плантацияларини яратиш, Орол денгизининг қуриган қисмида ўрмон иҳотазорларини жойлаштириш ва ботқоқ сарви, тиканли қора қарағай етиштириш технологиялари ишлаб чиқилди. Фарғона водийсининг тошлоқ ерларида эса хандон писта плантациялари барпо этилмоқда.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган натижалар ҳам эътиборга лойиқдир. Кейинги йилларда олимларимиз томонидан сутдор сигирларнинг бушуев, қора-ола зотлари, қорамолларнинг 2 та завод линияси, санта-гертруда зотли қорамолларнинг бахмал типи, гўшт-жун йўналишидаги қўйларнинг Ўзбекистон гуруҳи, қорабайир зотли отларнинг 3 та линияси яратилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва олтита вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Айни пайтда 17,5 млн гектардан ортиқ майдонни эгаллаган яйловларда юз минглаб бош қўй-қўзилар парваришланмоқда.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик соҳасида илғор мамлакатлар тажрибасини кенг қўллаш, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитида муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари ва энергия ресурсларини тежаш имконини берадиган янги технологияларни жорий этишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Бу бежиз эмас, албатта. Агар юқорида қайд этилган омилларга қатъий амал қилинса, янада юксак натижаларга эришилиши шак-шубҳасиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга юқори баҳо берилиб, соҳани мунтазам ислоҳ қилиб бориш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.**

## Ҳамкорликнинг янги қирраси

Кейинги йилларда барча жойда бўлганидек Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, жумладан, кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда хорижий инвестициялар, замонавий технологиялар алоҳида аҳамият касб этаяпти.

O`zLiDeP вилоят кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек-Хитой савдо уйининг тақдимот маросимида ана шулар хусусида фикр юритилди. Унда тадбиркорлар, солиқ ва божхона идоралари ходимлари, шунингдек, «Ўзбеклизинг интернейшнл» компаниясининг Наманган бўлими вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги беш йил давомида ХХРнинг Урумчи ва Гуанчжоу вилоятларида ўтказилган савдо ярмаркалари барча қатори наманганлик тадбиркорлар учун ҳам янги имкониятлар очди. Ҳозирда вилоятдаги 40 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ушбу мамлакатдан келтирилган техника ва технологиялар асосида фаолият юритиб, аҳоли эҳтиёжлари йўлида хизмат қилмоқдалар. 2010 йил давомида улар томонидан 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиёти бажарилгани фикримиз далилидир. Ўзаро шартнома асосида «Афруз Камол Наби» қўшма корхонаси, «Рау ТОМ» масъулияти чекланган жамияти, «Гулшан Шойи Импекс» хусусий корхонаси, «Муҳтарам Толиб» шўъба корхонаси томонидан Россия Федерацияси, Украина, Туркия, Англия каби мамлакатларга аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кўп миқдорда пойабзал, шойи, битум ва ҳоказолар етказиб берилди.

Энг муҳими, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун катта иқтисодий манфаат келтирмоқда. Тадбирда Ўзбек-Хитой савдо уйининг очилиши ислоҳотлар йўлидаги муҳим қадамлардан бири экани таъкидланиб, бу борадаги мавжуд ички имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга келишиб олинди.

*O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши*
*Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими*

«XXI ASR»
2011 йил 17 февраль,
пайшанба
07 (379)-сон


# 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## Реал секторга — реал имкониятлар

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАНИ БОИС УНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ УЛУШИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА**

AGROBANK



**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

Ўрта қатлам вакилларини қўллаб-қувватлашга оид Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлашда «Агробанк» ҳам ўз имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Мазкур молия муассасаси кредитлари эвазига иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, аҳоли учун зарур истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологияларни сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини юқори унумли техника ва агрегатлар билан таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларига 4000,2 млн. сўмлик 41 та комбайн, 7 млрд. 438,2 млн. сўмлик 165 та ҳайдов трактори, 14702,3 млн. сўмлик 573 та чопиқ трактори олиб берилди.

Жаҳон бозорларида нарх-наво ўсиб бораётган бир шароитда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш мақсадида ўтган 2010 йилда 21 та фермер хўжалигига балиқчиликни йўлга қўйиш учун 457 млн. сўм, 57 та фермер хўжалигига паррандачиликни ривожлантириш учун 1 млрд. 768,7 млн. сўм, 70 та фермер хўжалигига иссиқхоналар қуриш учун 2 млрд. 244 млн. сўм, 9 та фермер хўжалигига асаларичиликни ривожлантиришга 166 млн. сўм, 150 та фермер хўжалигига чорвачилик соҳаси учун 3 млрд. 971,6 млн. сўм — жами 8 млрд. 427,3 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди.

2010 йилда айнан кичик бизнес субъектларининг 29630 та лойиҳаси молиялаштирилгани эса «Агробанк» фаолиятининг асосини ташкил этди, дейиш мумкин. Берилган кредитларнинг умумий ҳажми 283,3 млрд. сўмни ташкил этиб, бу борадаги режа 103 фоиз этиб бажарилди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан 86,7 млрд. сўм ёки 44 фоиз кўпдир.

«Агробанк» томонидан 2010 йилда кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми ҳам ортди. Берилган микрокредитлар 57,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йилдагига нисбатан 37 фоиз кўпайди. Мазкур микрокредитлар ҳисобига 13904 та янги иш ўрни яратилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси доирасида 179,5 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 30332 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Бухоро вилоятидаги «Фарҳод-1» фермер хўжалиги раҳбари Камол Нарзиев иссиқхона ташкил этиш учун банкдан 100 млн. сўм кредит олди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этиш ва сервис соҳасини яхшилаш мақсадида 2010 йилда 16 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Бунинг натижасида яратилган иш ўринлари сони 3108 тани ташкил этди.

Ўтган йили мазкур банк томонидан агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиб, 209,7 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди. Шундан 48,6 млрд. сўми саноатга, 81,9 млрд. сўми қишлоқ хўжалигига, 34 млрд. сўми моддий-техника таъминотига, 45,3 млрд. сўми қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилиб, кредит қўйилмалари қолдиғи 564,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар асосида жами 50 млрд. сўм миқдорида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан "Заркент текстил" хусусий фирмасига пиллани қайта ишлаш ускунаси сотиб олиш учун 499,984 АҚШ доллари (сўм эквивалентида) миқдорида кредит ажратилди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 240 та янги иш ўрни яратилиши ҳамда йилига 413,9 тонна пилла хом ашёсини қайта ишлаган ҳолда жаҳон стандартларига жавоб берувчи "А" ва "2А" сифат кўрсаткичида 117 тонна ипак тайёрлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, банк томонидан пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиб, ностандарт, тежамсиз печларни энергия ва ресурсларни тежайдиган махсус технологияларга алмаштириш мақсадида Наманган вилоятидаги "Асадулла Бунёдкор Файз" масъулияти чекланган жамиятига 170 млн. сўм, "Мақсад Бунёдкор" ҳамда "Мурод ўғли Малик" масъулияти чекланган жамиятларига 160 млн. сўмдан, "Муҳаммад Бобур савдо" масъулияти чекланган жамиятига 100 млн. сўм, Самарқанд вилоятидаги "Brick Standart" масъулияти чекланган жамиятига 304,8 млн. сўм — жами 932 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Жорий йилда «Ўзпахтасаноат» тизимидаги 9 та пахта тозалаш заводини реконструкция ҳамда модернизация қилиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 12 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шунингдек, "Ўзпахтасаноат" уюшмасига қарашли 18 та корхонага паррандачиликни ривожлантириш учун 1 млрд. 995 млн. сўм миқдорида кредит берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 сентябрдаги "2010 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Германиянинг "ПЕКТУС" компаниясидан уруғликни қайта ишлайдиган технологик ускуна сотиб олиш учун "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик жамиятининг 16 та корхонасига 14,4 млрд. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, жорий йилда Самарқанд вилоятидаги "Жума элеватор" акциядорлик жамиятига 300 млн. сўм, "Оқтош дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятига 500 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.



## Мулкдорларнинг молиявий кўмакчиси

**2010 ЙИЛДА "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК"НИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЗАРУР ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯРАТАЁТГАН ТАШКИЛОТЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИШГА ҚАРАТДИ**

**Ўз мухбиримиз**

Мазкур молия муассасаси асосан қишлоқ жойларда муҳандислик иншоотлари, жумладан, йўллар, электр энергияси ва сув таъминоти тизимлари, мактаблар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари ҳамда телекоммуникация тармоқларини бунёд этишга сармоя киритаяпти. Бу борадаги режали тадбирларни амалга ошириш учун банк томонидан устав жамғармаси 1 млрд. сўм бўлган, қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун буюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди.

Шу ўринда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 16,3 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана шу кредитлар ҳисобига 524 нафар киши доимий иш жойига эга бўлди. Оҳангарон туманида йилига 20 млн. дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган янги завод «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий кўмагида бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, якунига етган йилда банк қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини олиб бораётган 13 та пудратчи ташкилотга ўз маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 629 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратди. 2011 йилда яна 680 та уй-жой қурилиши режалаштирилмоқда. Шу мақсадда "Қурилишга сармоя-2011" махсус омонати очилиб, ҳозиргача унинг ҳисобида 9,3 млрд. сўм миқдорида маблағ жамланди.

Соҳа мутахассислари 2010 йил давомида саноатга 3 млрд. 815,2 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 2 млрд. 539 млн. сўм, қурилиш корхоналарига 2 млрд. 180,7 млн. сўм, мижозларга 3 млрд. 057,2 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга 1 млрд. 680,9 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилганини ҳам алоҳида таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, бу маблағлар вилоятда бандлик масаласини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда банк мутасаддилари пластик карточкалар масаласига алоҳида эътибор қаратаётганларини ҳам эътироф этиш жоиз. Жами 24404 тага етган ушбу электрон ҳамёнлар орқали 30 млрд. 860 млн. сўмлик ҳисоб-китоблар амалга оширилган. Айни пайтда савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи объектларда 344 та терминал ишлаб турибди. Шу билан бирга банк жамоаси мижозларни жалб этувчи ахборот-коммуникация технологияларига асосланган "SMS-банкинг", "Интернет-банкинг", "Банк-мижоз" каби интерактив хизматлар тизимини ҳам кенгайтириб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент вилоят минтақавий филиали мижозларга 4 та филиал, 8 та минибанк, 16 та махсус касса орқали намунали хизмат кўрсатиб, улар ишончига сазовор бўлмоқда. Банк жамоаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам ўрта қатлам вакилларининг энг ишончли ҳамкори ва молиявий кўмакдоши сифатида фаолият кўрсатишда давом этаверади.

**Касаначилик**

## «Йўрмадўз» чеварлари

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Марғилон шаҳридаги «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғини қошида тикувчилик цехи ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Муборак Қосимова раҳбарлигидаги ушбу цехда аёллар пальто, турли миллий либослар, кўйлак ва бошқа кийим-кечакларни тайёрламоқдалар.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бизга кўрсатилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда яқин вақт ичида ўз фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз, — дейди М.Қосимова. — Шу мақсадда замонавий дизайн услубида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринларини очишни мўлжаллаяпмиз.

## Жаноб тадбиркор, сизни марказда кутишаяпти

**АЙНИ ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ОШИБ, БАРЧА СОҲАДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Буни Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан унумли фойдаланилгани учун ҳам 2010 йилда яратилган 40452 та иш ўрнининг 32445 таси айнан ана шу соҳа ҳиссасига тўғри келди. Натижада вилоятдаги 23985 нафар битирувчи ёшлар муқим иш жойларига эга бўлдилар.

Вилоятда эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган йигит-қизлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. «Информацион технологиялар маркази» раҳбари Норбек Арзиев ана шундай иқтидорли ёшлардан. Зеро, бугунги рақобат шароитида илм-фан ҳамда инновацион технологияларни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни соҳага кенгроқ жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказ раҳбари ана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз бизнесини ривожлантираяпти. Жумладан, унинг Nav.uz расмий интернет порталида маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхати узлуксиз эълон қилинмоқда. Бу борада Навоий шаҳар ҳокимлигининг беғараз ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, интернет орқали савдо-сотиқ амалиёти кенг қўлланилиши жаҳон тажрибасидан яхши маълум. Бошқача айтганда, истеъмолчи ўз уйида ўтириб, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа хил эҳтиёжбоп молларга буюртма бера олади. Бу эса аҳоли учун катта қулайлик, демакдир.



Марказ жамоаси айни кунда вилоятдаги «Шамс-Навоий» кўп тармоқли савдо уюшмаси билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиб, интернет орқали савдо хизматини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун махсус автоуловлар ҳам ажратилди. Буюртма маҳсулот 40-45 дақиқада харидорга етказилади. Агар харид нархи 50 минг сўмдан ошса, етказиб бериш бепул. Энг муҳими, ходимлар буюртмачи хонадонига кўчма терминаллар билан ташриф буюрадилар.

Ҳозирда шаҳарда истиқомат қилаётган аҳолининг қарийб 35 фоизи уй шароитида интернетдан фойдаланиш имкониятига эгадир. Марказнинг «Sensorika» номли интернет тармоғи ҳам фойдаланувчилар хизматида. Бу ерда тўловлар асосан терминал орқали амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, марказ вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан доимий алоқада. Катта-кичик корхоналардаги бўш иш ўринлари рўйхати, шунингдек, аэропортларнинг учиш-қўниш жадвали, поездлар қатнови вақтининг онлайн рўйхати мунтазам бериб борилади. Қисқаси, марказ мутахассис билан иш берувчи ўртасидаги тезкор ва қулай воситачига айланди.



## «Чордухтарон» ҳам «Исузу» сотиб олди

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

Бухоролик тадбиркорлар аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, Ориф Тўраев бошчилик қилаётган «Амиртранссервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 та «Исузу» микроавтобуси келтирилиб, «Аэропорт — аҳоли шаҳарчаси» йўналишига қўйилди. Тадбиркор, «Чордухтарон» МЧЖ раҳбари Шариф Маҳмудов ҳам 8 та автобус сотиб олиб, йўловчиларга замонавий хизмат кўрсата бошлади.

Хитой иқтисодиёти қайси ўринни эгаллаётганидан қатъи назар, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жон бошига ҳисобланганда дастлабки **100** та давлатдан орқада. Аҳоли сони кўплиги, иқтисодий пойдевор мустаҳкам эмаслиги ва табиий ресурслар чеклангани ҳам Хитойнинг ҳозирги воқелигидир.




# Бир кам дунё бу

## XX АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДАН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА КИРИШГАН ҚОЛОҚ МАМЛАКАТ БУГУНГА КЕЛИБ ДУНЁНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ ГУРКИРАБ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

Аҳолининг даромадлари бир неча баробар ўсди, юз миллионлаб одамлар қашшоқликдан халос бўлдилар. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатлар моддий ишлаб чиқариш тармоғини учинчи дунё мамлакатларига кўчираётган бир пайтда Хитой ўзининг арзон ишчи кучи эвазига иқтисодиётни, хусусан, аграр секторни яратишга муваффақ бўлган камсонли мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда. Натижада мамлакат «жаҳон фабрикаси» номини олди. Ривожланган давлатлар сармоялари ва ишлаб чиқариш технологияларини қўркмасдан ушбу мамлакатга кўчира бошладилар.

Рақамларга эътибор беринг: Хитой 1990 йилда 10,5 миллиард хорижий сармояни ўзлаштирган, 2005 йилга келиб бу рақам 68 миллиардга етди. Шубҳасиз, иқтисодиётдаги мўъжиза туфайли Чин юрти бирин-кетин Германия, Франция, Англия ва Япония сингари гигантларни қувиб ўтди. Кўплаб мутахассисларнинг эътироф этишларича, 2030 йилга бориб Хитой АҚШни ҳам ортда қолдиради.

— Юз берган бу ҳодиса охирги ўнйилликда Хитой Японияни ортда қолдириб кетганини тасдиқлайди. У ўз минтақасида қўшни давлатларнинг бош савдо ҳамкорига ҳам айланди, — дейди Вашингтондаги Петерсон халқаро иқтисодиёт институтининг эксперти Николас Ларди.

Таъкидлаш керакки, Хитойнинг ер майдони деярли АҚШ ҳудудига тенг бўлса-да, бу мамлакатда Ер шари аҳолисининг бешдан бир қисми истиқомат қилади. Мамлакат табиий ресурслар жиҳатидан қашшоқ, албатта. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг Жазоир ва Албанияникидан сал кўпроқлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Ана шу жиҳатларга қарамай, Хитой иқтисодиёти мўъжизалар кўрсатишда давом этмоқда. Савдодаги ҳукмронлиги, хорижий валютада сақланаётган улкан захиралари, ҳатто АҚШ ҳукуматини ҳам катта миқдорда қарздор қилиб қўйгани, нефть, кўмир, темир ва бошқа табиий ресурсларга бўлган «иштаҳаси» эвазига Хитойнинг қўли тобора баланд келмоқда. Тан олиш керак: расмий Пекин Осиё, Африка ва Лотин Америкаси бозорларига илдам кириб бориб, халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлаяпти. Унинг ўзига хос савдо келишувлари имзолаган ҳолда кўп миллиардли табиий бойликларни сотиб олишга киришгани айримларга ёқмаётгани ҳам айни ҳақиқат.

— Улар жаҳон иқтисодиётига беқиёс таъсир кўрсатмоқдалар. Ажабланарли жиҳати шундаки, аҳоли турмуш даражаси унчалик ҳам юксак бўлмаган мамлакат шундай мўъжизаларни яратмоқда, — деб ёзади профессор Эсвор Прасад.

Гарчи бу йил Хитойда иқтисодий ўсиш секинлашиши кутилаётган бўлса-да, унинг 10 фоиз доирасида бўлиши ҳам ҳозирги инқироз даври учун катта ютуқ саналмоқда. Хитой ҳамон ривожланаётган мамлакат сифатида қолаётгандир, аммо унинг маҳсулотлар нархига бўлган таъсири Россия, Ҳиндистон, Австралия ва Лотин Америкасида беқиёс экани тилга олинмоқда.

Тўғри, Хитой ўз тараққиёти йўлида жиддий тўсиқ ва синовларга ҳам дуч келаётир. Мамлакат иқтисодиётининг экспорт ва сармояларга ўта боғлиқлиги хавотир уйғотмай қолмайди. Айни пайтда Пекиннинг танқидларга дучор бўлаётган валюта сиёсатига тўхталмасликнинг иложи йўқ. АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор давлатлар Хитойни ўз экспортини фаоллаштириш мақсадида юань курсини сунъий равишда пасайтиришда айбламоқдалар.

Ана шундай танқидлар соясида ҳам Хитой АҚШ ва Европа билан бир томондан хом ашё бозори учун қақшатқич курашни давом эттираётган бўлса, иккинчи томондан, йирик корпорациялар ва технологик фирмаларга «катта имкониятлар»ни ваъда қилиб, уларни ўз ички бозорига олиб киришга муваффақ бўлаётир. Дунё бозоридаги бу «ўйин» Хитой учун муваффақиятли кечаётгани аниқ. Хусусан, мазкур мамлакат иқтисодиёти АҚШ иқтисодиётининг учдан бир қисмига тенг бўлганига қарамай, ўтган йили енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича океанорти мамлакатини ортда қолдирди. Caterpillar, General Electric, General Motors, Siemens каби ўта йирик корпорациялар агрессив тарзда тадқиқот марказлари ва тараққиёт плацдармлари билан бирга Хитой бозорига ёпирилаётганининг сири ҳам шунда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсиш ҳажмининг юқорилигига қарамай, Хитойнинг жаҳон муаммоларини ечишдаги иштироки унчалар сезиларли эмас. У ҳамон «катта саккизлик» аъзолигига кирмади. Ҳозирча Пекиннинг таъсир воситаси келажакда саккизлик ўрнини эгаллаши кутилаётган «катта йигирмалик»дир. Бироқ Хитой расмийларининг мамлакат Сариқ денгиз эгаси эканини даъво қилишлари, Жануби-Шарқий Осиёдаги таъсир доирасининг ошиб бораётгани, Эрон ва Шимолий Корея масаласида тутган алоҳида ўрни унинг дунё ишларининг боришига аралаша бошлаганидан далолат беради.

Мамлакат ютуқларини кўролмаётган айрим сиёсий кучлар Хитойнинг иқлим исишида асосий айбдорга чиқараяптилар. Чунки 2006 йили Хитой глобал иқлим исишига сабаб бўлаётгани айтилаётган ис газини ҳаво бўшлиғига чиқариш бўйича АҚШни «қувиб» ўтган эди. Адолат нуқтаи назаридан айтиш керакки, 2010 йил охирига бориб Хитой энергияни 20 фоиз қисқартиришни кўзда тутувчи катта дастурни ишлаб чиқди. Бундан ташқари, кўмирда ишлайдиган янги электростанцияларда ёнилғини тежаш бўйича қатъий стандартларни белгилаб олди. Бир вақтнинг ўзида эскириб қолган корхоналарни босқичма-босқич ёпаётгани ёки уларни модернизация қилаётгани экологлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Хитой раҳбариятининг Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ ресурсларни керакли жойга сарфлай олаётгани ҳам мўъжиза сирларидан биридир. Шу муносабат билан назариётчи иқтисодчилар Ғарбнинг бозор иқтисодиётига асосланган тизими қанчалар самарали, деган баҳсга киришиб кетдилар. Чунки иқтисодий ўсиш борган сари Ғарбдан Осиёга кўчмоқда. Шу ўринда бугун ХХРдаги ички талаб нафақат 1,3 миллиардли инсонлар ҳисобига, балки аста-секин бойиб бораётган аҳоли ҳисобига ҳам таъминланаётганига бир эътибор қаратайлик. Рақамларга мурожаат қилсак, 1981 йилда мамлакатдаги қашшоқлар 53 фоизни ташкил этгани ҳолда 2005 йилга келиб бу кўрсаткич, расмий маълумотларга кўра, 2,5 фоизга тушган. Хитойнинг яна бир каттагина имконияти аксилинқироз дастурларини молиялаш учун пулни қаердан олиш кераклиги ҳақида бош қотирмаслигидир. Ислоҳотлар муваффақияти натижасида Хитойнинг олтин-валюта захиралари миқдори салкам 2 трлн. долларга етди. Шу боис аксарият иқтисодчилар бу йил ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми барқарор бўлишини таъкидланмоқда.

Бугунги кунда дунёни Хитой маҳсулотларисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Осиё гиганти айни пайтда хорижга, асосан АҚШ, Гонконг, Япония, Корея бозорларига юз минглаб номдаги маҳсулотларни жўнатмоқда. У, ўз навбатида, қўшни мамлакатлардан кўпроқ хом ашё ёки юқори технологияли материаллар сотиб олади. Ваҳоланки, 1993 йилгача Хитойнинг ўзи минтақанинг бошқа мамлакатларини нефть билан таъминлаб келган эди. Бироқ нефть саноати иқтисодий юксалиш ортидан қувиб етолмади. Натижада мамлакат энергетик маҳсулотларни хориждан сотиб олишга мажбур бўлди. 2010 йили Саудия Арабистонидан «қора олтин» импорт қилишда АҚШдан ўзиб кетди. 2011 йилда эса «Роснефть» Хитойга йилига 15 миллион тонна нефть етказиб бериш мажбуриятини олди.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, экспортни кўпайтириш ва хорижий сармояларни жалб этишга эътибор қаратаётган Пекин ички бозорни ҳам ривожлантириши керак. Негаки, XX аср ўрталаридан кўкларга кўтарилган ва экспортга йўналтирилган япон иқтисодий модели ҳам АҚШни қувиб етишга имкон бермаган эди.

Лекин нима бўлганда ҳам Хитой иқтисодиёти қайси ўринни эгаллаётганидан қатъи назар, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жон бошига ҳисобланганда дастлабки 100 та давлатдан орқада. Аҳоли сони кўплиги, иқтисодий пойдевор мустаҳкам эмаслиги ва табиий ресурслар чеклангани ҳам Хитойнинг ҳозирги воқелигидир.




### КАСАЛЛИК ЎЧОҒИ КЕНГАЙМАСЛИГИ КЕРАК

**Маълумотларга қараганда, Ғарбий Африка мамлакатларида тарихга айланган 2010 йилда менингит касаллиги билан оғриган 2 минг киши ҳаётдан кўз юмган. Маълумки, ушбу хавфли касаллик орқа мия пардасининг яллиғланиши туфайли келиб чиқади. Аниқланишича, ҳозирги кунда бу хасталик билан 20 мингга яқин киши оғриган. Мутахассисларнинг фикрича, Нигерия, Буркина-Фасо ҳамда Мали каби мамлакатлар касаллик ўчоғига айланиб улгурди. Ачинарлиси, менингитга асосан болалар ва 30 ёшгача бўлган аҳоли чалинган. Биргина Нигерияда 5 минг одамдан хасталик инфекцияси топилган. Мамлакатдаги «Pfizer» фармацевтик компанияси менингит инфекциясига қарши кучли антибиотик — «Тровафлоксацин»ни ишлаб чиқариш кенгайтирилишини айтиб ўтган.**

**Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти таъкидлашича, касалликнинг олди олинмаса, унинг ўчоғи янада кенгайиб, кейинчалик бу эпидемияга айланиши мумкин. Африканинг ғарбида юзага келган бундай хунук вазиятнинг олдини олишга касаллик кенг тарқалган давлатларда гигиена қоидаларини мукаммаллаштириш, озиқ-овқатга ишлов беришни (совутиш) яхшилаш, сув ва оқар сувлар тозалигини сақлаш, эмлаш усулларини такомиллаштириш лозим.**

## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ТОВУҚЛАРГА ҚИРҒИН КЕЛДИ

**Японияда товуқларни оммавий равишда қириш бошланди. Бу парранда гриппининг тарқалиши билан боғлиқ, деб изоҳланмоқда. Навбатдаги касаллик ўчоғи Япония фермаларидан бирида топилган. Ҳукумат вакиллари мазкур товуқ фермаси атрофидан 10 километр радиусда карантин ҳудудини ташкил қилишган ҳамда фермага маҳсулот олиб кириш ва олиб чиқишни тақиқлаб қўйишган. Мазкур фермадаги 20 минг парранда йўқотилиши тахмин қилинмоқда. Маълумотларга кўра бу товуқ ва паррандаларни қириш билан боғлиқ биринчи ҳолат эмас. Айни вақтда мамлакатдаги миллионлаб товуқлар қириб ташлангани хабар қилинмоқда.**



### НАТИЖАСИЗ МУЗОКАРАЛАР

**Сеул расмийлари икки корейс давлати ўртасида юзага келган кескин вазиятни юмшатиш мақсадида олиб борилаётган музокаралар Шимолий Корея зобитларининг ҳаракатлари боис муваффақиятсизликка учраганини айтишди. Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги расмийларининг фикрига кўра, Панмунжом қишлоғида бошланган музокара юқори даражадаги зобитлар сўзлашуви кун тартибини белгилаш борасида юзага келган келишмовчилик сабабли тўхтаб қолган. Эслатиб ўтамиз: бу Шимолий Корея ҳарбийлари ноябрь ойида Жанубий Кореяга қарашли оролни бомбардимон қилишгани натижасида тўрт киши қурбон бўлганидан бери икки давлат ҳарбийлари ўртасида ўтказилаётган биринчи музокара эди.**



### 126 МИЛЛИАРД АЖРАТИЛМОҚДА



**АҚШ маъмурияти Конгрессдан 2012 йилда Пентагонга 728,4 млрд. доллар миқдорида пул ажратишни сўраб мурожаат этди. Шундан 110 млрд. Афғонистондаги урушга, 16 млрд. Ироқдаги Америка ҳарбийларини қўллаб-қувватлаш учун тақсимланиши режалаштирилмоқда. 2010 ва 2011 йиллардаги молиявий ҳисоб-китобларга кўра, мазкур икки уруш учун ажратилган маблағ миқдори 130-160 млрд.га етади. Таъкидлаш жоиз: жорий йилда АҚШ Афғонистондаги ҳарбийларни олиб чиқиб кетишни режалаштираётган бўлиб, бунинг натижасида 10 минглаб аскарлар уйларига қайтишади.**

### 29 ДАВЛАТДА 440 ТА АТОМ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

**Хабарларга кўра, дунёнинг ривожланаётган 60 мамлакати тинчлик йўлида ядровий фаолиятини кенгайтирмоқчи эканини билдирган. Улар мазкур масалада Халқаро атом энергияси агентлигига (МАГАТЭ) техник кўмак сўраб мурожаат қилишган. Ўтган ҳафтада Австрия пойтахти — Венада МАГАТЭ бошчилигида атом энергетикаси келажагига бағишланган учрашувда ушбу масала кўриб чиқилиб, 2030 йилгача жаҳоннинг 25 мамлакати илк ядровий реакторлар билан таъминланиши айтиб ўтилган.**

**Эслатиб ўтамиз: бугунги кунда дунё бўйича 440 та атом электростанцияси ишлаб турибди. Таъкидлаш жоизки, ушбу станцияларнинг барчаси 29 та мамлакатга тегишли.**

Эълон

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатга олинган Яккасарой тумани "Маҳмуд Торобий" кўчаси 10-уйда жойлашган "Do MANUS" адвокатлик фирмаси (стир: 206845164) тугатилади.
Ўзини-ўзи тугатиш комиссиясининг 2011 йил 3 февралдаги 03-сонли қарорига асосан кредиторлар ва дебиторларнинг даъволари 2 ой муддатда қабул қилинади.

O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши, халқ депутатлари
Олтиариқ туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзоси
**Зокиржон ДЕҲҚОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Украинанинг «Оболонь» жамоасига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашуви тақдирини ҳал қилган ягона тўп «Анжи»нинг янги аъзоси Одил Аҳмедов томонидан киритилди.

## Одил Аҳмедов МДҲда иккинчи

Яқинда «Анжи» (Махачқалъа) аъзосига айланган ҳамюртимиз Одил Аҳмедов Россиянинг «Спорт-экспресс» нашри томонидан ўтказилган «МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг январь ойидаги энг яхши футболчиси» сўровномасида иккинчи ўринни эгаллади. Минтақанинг 15 та ОАВ вакили, шунингдек, «Спорт-экспресс» сайти мухлислари берган овозларга мувофиқ танловда биринчи ўринни «Бавария» (Мюнхен) аъзоси Анатолий Тимошук банд этди. Украиналик футболчидан тўққиз очкога ортда қолган Аҳмедов эса бу борада иккинчи натижани кўрсатди. Маълумотларга кўра, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг 6 нафар журналисти Тимошукни 1-ўринга қўйган бўлса, 5 та нашр, шу жумладан, sport-express.ru сайти Одилни энг яхши деб топган. Сўровда кейинги учинчи ва тўртинчи ўринлар Павел Погребняк («Штутгарт», Германия) ва Динияр Билолитдиновга («Эвертон», Англия) насиб этди.

Шу ўринда Одил «Анжи» сафидаги дастлабки ўйиндаёқ гол муаллифи бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Украинанинг «Оболонь» жамоасига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашуви тақдирини ҳал қилган ягона тўп айнан Аҳмедов томонидан киритилди.

# Рустам ярим очко ортда қолмоқда

**МОСКВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «AEROFLOT OPEN» ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ 8-ТУРИДА РОССИЯЛИК ДЕНИС ХИСМАТУЛЛИН БИЛАН ДУРАНГ ЎЙНАГАН ҲАМЮРТИМИЗ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЎЗ ҲИСОБИДАГИ ОЧКОЛАР СОНИНИ 5,5 ТАГА ЕТКАЗИБ ОЛДИ**



Эътиборли томони шундаки, ўз тарихида ўнинчи маротаба ўтказилаётган ушбу мусобақа ташкилотчилари фестивалга барча тоифадаги шахмат усталарини жалб этишга ҳаракат қилишган. Хусусан, FIDE рўйхатида 2550 баллдан ортиқ кўрсаткичга эга 86 нафар гроссмейстерга «А» гуруҳида ўзаро баҳслашиш имконияти берилган бўлса, жаҳон рейтингида тўплаган баллари сонини 2299 дан оширган («В» гуруҳи) ва ундан паст кўрсаткичга эга («С» гуруҳи) шахматчилар қуйи «лига»лар доирасида ўтказиладиган беллашувларга киришишди. Айтиб ўтиш жоиз: «А» гуруҳи ғолиби жорий йилнинг июнь ойида Дортмундда бўлиб ўтадиган кўп даврали супертурнирга таклиф этилади.

Мукофот жамғармаси 160 минг еврони ташкил этадиган мусобақада Р.Қосимжоновнинг иштироки ҳақида тўхталар эканмиз, спортчимизнинг барча матчларда ижобий натижаларни қайд этаётгани, яъни биронта мағлубиятга учрамаганини айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, «А» гуруҳининг дастлабки учрашувида россиялик Андрей Девяткинни мағлуб этган шахматчимиз 3-турда исроиллик Максим Родштейни, 5-турда эса мезбонларнинг яна бир вакили Иван Букашинни мағлубиятга учратди. Испаниялик Иван Сальгадо-Лопез, вьетнамлик Ле Куанг Льем, шунингдек, Россия терма жамоасининг Владимир Федосеев, Никита Витюгов ва Денис Хисматуллин каби аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувларда дуранг қайд этилди.

2004 йилда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ўзбекистонлик гроссмейстер навбатдаги матчда хитойлик Янг Йи Юга қарши дона сурди.

Беллашувларнинг шиддатли ўтаётганини турнир жадвалидаги ҳолатдан ҳам билиб олиш мумкин: саккиз учрашувдан сўнг 6 очко тўплаган Ле Куанг Льем яккапешқадам бўлиб турган бўлса, уни таъқиб этаётган тўққиз нафар шахматчи, шу жумладан, Қосимжонов ҳисобида ҳозирча 5,5 очко бор.

Мусобақа 18 февралга қадар давом этади.



## *Сулола давомчилари*

**ШЕРЗОД АТАҚУЛОВ — ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИНИНГ 5-КУРС КУРСАНТИ. У ҲАДЕМАЙ ОФИЦЕРЛИК ЛИБОСИНИ КИЯДИ. ШЕРЗОДНИНГ ҲАРБИЙЛИККА МЕҲР ҚЎЙИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. ОИЛАДАГИ МУҲИТ, АНИҚРОҒИ, ОФИЦЕР АМАКИЛАРИГА ҲАВАС УНИ ШУ ЕРГА ЕТАКЛАБ КЕЛДИ**

Жамшид НИЁЗОВ

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилиб келганман, — дейди курсант. — Бунда амакиларим — ҳозирда захирадаги офицер Қаҳрамон Атақулов ҳамда майор Ботир Атақуловларнинг таъсири катта бўлган. Улар ҳар сафар Самарқандга келганларида мен учун байрам бўларди, мамнуният билан узоқ суҳбатлашардим. Ана шундай суҳбатлар асносида Ватан ҳимоячиси бўлиш осон эмаслигини, бунинг учун билим, жисмоний баркамоллик, чидам ва ирода талаб қилинишини англаб етганман. Бу эса аниқ мақсад йўлида қатъият билан интилишимга, олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришимга замин яратди. Орзуим ушалди, курсантликка муносиб топилдим. Энди эса билим юртида олган билимларни амалиётда қўллаш, билдирилган ишончни оқлаш фурсати яқинлашмоқда.

Мазкур сулоланинг яна бир вакили Бекзод ҳам ҳарбий соҳани танлади. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлон амакилари ва акасининг изидан боришга аҳд қилган. Таъкидлаш жоизки, армия унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Билимларининг бойишига, фикр доирасининг кенгайишига, соҳа сирларини қунт билан ўзлаштиришига хизмат қилди. Энг муҳими, иродаси мустаҳкамланди, ўз кучига бўлган ишончи ортди.

— Аскарликка келган куним ҳаётимдаги энг бахтли лаҳзалардан бўлди, — дейди оддий аскар Б.Атақулов. — Ахир кўплаб номзодлар ичида бу номга сазовор бўлиш, белгиланган кўрик-танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтиш осон бўлгани йўқ-да. Шунинг учун орзуим йўлидаги дастлабки қадамни қўйганимдан мамнунман. Ҳозир офицер ва сержантлардан соҳа сирларини ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, Тошкент олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман.

Ватанни мардлар, шерюракли ўғлонлар ҳимоя қилади. Ана шундай садоқатли, туғилиб ўсган тупроғига меҳри баланд ўғлонларнинг кўплиги эса тинч, осойишта ҳаётимизнинг давомийлигини таъминлайди.

## «Ёшлар клуби» Меҳрибонлик уйида

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази қошида тузилган «Ёшлар клуби» фаоллари мактаб ёшидаги ўғил-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўз навбатида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тарғибот ишларини амалга оширишда давом этмоқдалар.

Жорий йилнинг 13 февралида пойтахтимиздаги 21-сонли Меҳрибонлик уйига ташриф буюрган клуб аъзолари бир қатор спорт федерациялари вакиллари билан биргаликда муассаса тарбияланувчиларига кик-боксинг, ушу, пенчак-силат, кендо сингари яккакураш турлари ҳақида батафсил маълумот бериб, кўргазмали чиқишлар орқали болалар қалбида спортга қизиқиш уйғотишга ҳаракат қилдилар. Ёш мураббийлар жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг фойдали томонлари ҳақида маърузалар ўқидилар. Дарвоқе, ўтган йил давомида ўнлаб ана шундай тадбирларни ташкил этган «Ёшлар клуби» етакчилари бу каби хайрли ишларни 2011 йилда ҳам мунтазам ўтказишга бел боғлаганларини айтиб ўтиш жоиз.

## Энди қанотлар музламайди

Бундан икки йил муқаддам «Бухоро» халқаро аэропорти самолётларининг учиш-қўниш йўлларини қор ва музлардан тозалашга мўлжалланган «АИСТ-5ВМУ» махсус техникаси сотиб олинган эди. Яқинда аэропортга парвозлар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган яна бир замонавий техника — «ПОЖ-Арктика» ва суюқлик пуркайдиган «Сейсинг» аппарати ҳам келтирилди. Қиймати 200 млн. сўм бўлган ушбу қурилмадан қиш фаслида фойдаланилади. Гап шундаки, қаҳратон фаслнинг совуқ кунларида самолётлар қанотларининг остки қисмлари ҳамда фюзелажининг музлаши хавфи юқори бўлади. Бу эса баъзи ҳолларда учиш йўлакчасида самолётларнинг ҳаракатланиши ва ердан ҳавога кўтарилишида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Янги техника эса турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам парвозлар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Шацких рекордларни янгиламоқчи



Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Киевнинг «Арсенал» клуби ҳужумчиси Максим Шацких Украина чемпионатида энг кўп тўп киритган футболчилар қаторидан жой олди.

Мамлакатнинг «Динамо» ва «Арсенал» жамоалари сафида 108 та тўп киритган тажрибали спортчи мазкур биринчиликда энг яхши натижаларни қайд этган 30 нафар тўпурар орасида яқинда мураббийлик фаолиятини бошлаб юборган Сергей Ребровдан (123 та гол) кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Демак, Максимнинг пешқадамга етиб олиш имконияти бор.

Бундан ташқари, Шацких Украина чемпионатида ўтказилган учрашувлар сонини уч юзтага етказган футболчиларни бирлаштирадиган «300 талик клуб» аъзоси бўлишга даъвогарлик қилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бугунга қадар у мазкур биринчилик доирасида 247 марта майдонга тушган.




**17-23** февраль кунлари учун олинган об-ҳаво маълумотларига қараганда, кутилаётган ҳафтада мамлакатимизда ҳарорат бирмунча тушиб кетиб, қуёшли кунларга қараганда булутли кунлар кўпроқ бўлади. Айниқса, **22-23** февраль кунлари ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, деярли барча минтақаларда қор ёки қор аралаш ёмғир ёғиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси **1-16** даража совуқ, кундузи -**7**-+**8** даража бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда -**10**-+**6**, кундузи эса -**2**-+**17** даражани кўрсатади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари -**3**-+**8**, кундуз кунлари **4-19** даражагача исиши кутилмоқда.

Фарғона водийси вилоятларида тунда -**3**-+**4**, кундузи **6-14** даража илиқ об-ҳаво кузатилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари -**10**-+**8**, кундуз кунлари эса -**4**-+**12** даража ҳарорат қайд этилади.

Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси -**12**-+**8**, кундузи -**4**-+**11** даража бўлиши кутилмоқда.










